

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА  
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ  
ОРГАНИ

● 2003 йил, 30 январь, пайшанба № 14 (1746).  
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.  
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ  
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 30 января, 2003 г. № 14 (1746).  
Газета издается с 24 июня 1992 г.  
● В розницу — цена свободная.

## Самарали мулоқотлар давом этмоқда

МАДРИД, 28 январь.  
ЎЗА махсус мухбири Озод  
РАЖАБОВ хабар қилади.

Мадрид марказидаги «Лелтад» майдонида мамлакат озодлиги йўлида жон фидо қилган курашчиларга атаб ёдгорлик манмуи бунёд этилган. Испанияга давлат таширфининг иккинчи кунини Президент Ислоҳ Каримов ана шу ёдгорлик пойига гул қўйишдан бошлади.

Испания Сенатида ушбу мамлакат парламенти етакчи вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Таъкидламоқ ҳозирги, қадимий Испанияда олий мартабали меҳмонни кутиб олишнинг ўзига хос анъаналари мавжуд. Шунга биноан, аввал икки давлат мадҳиялари янгради. Сўнг Президентимизга Сенат ва Депутатлар конгрессиинг медали тақдим этилди. Ислоҳ Каримов Сенатнинг қадимий ва бой кутубхонаси билан танишиб, «Олтин китоб»га дастхат битди. Испан қонунчилари мамлакатимиз раҳбарига мамлакатимизнинг 1978 йили қабул қилинган конституциясининг нодир нухасини тақдим этди.

Сенат ва Депутатлар конгрессиинг раҳбарлари — Хуан Хосе Лукас Хименес ҳамда Руди Убеда Луиза Фернандес, доимий кўмиталар раҳбарлари иштирокида ўтказилган қўшма йиғилишда мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар бераётган самаралар ҳақида сўзлади. Пар-

ламентлараро алоқаларни ривожлантириш мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг муҳим йўналиши эканлигини таъкидлади.

Президент Ислоҳ Каримов маҳаллий анъанага биноан суворийлар кузатувида Мадрид мэриясига таширф буюрди. Мамлакатимиз раҳбарини шаҳар мэри Хосе Мария Алварес дел Манзано кутиб олди. Бу ерда Ислоҳ Каримовга Мадрид шаҳрининг рамзий «Олтин калити» тақдим этилди.

Мэр билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Испаниянинг тарихий шартлари ўртасида қарор топган қадимий алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш икки томон учун ҳам фойдали эканлиги таъкидланди. Мадрид билан Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида бевосита ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Куннинг иккинчи ярмида «Монклоа» саройида Президент Ислоҳ Каримов ҳамда Испания ҳукумати Раиси Хосе Мария Аснар раҳбарлигида икки мамлакат делегацияларининг учрашуви бўлди. Музокарада Ўзбекистон билан Испания ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий-мадрий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Савдо-иқтисодий алоқалар кўлами замон талаблари ва икки томоннинг имкониятлари даражасида эмаслиги қай-

этилиб, келгусида ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида атрофлича фикр алмашилди.

Музокара якунида Ўзбекистон билан Испания ўртасида Сармоёларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битим, шунингдек, иқтисодий вазирликларни, таъқи сиёсат маҳкамалари ҳамда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Испаниянинг Алкала де Энарес университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.


Испания сайёҳлик соҳасида дунёдаги етакчи ўринлардан бирида туради. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг (ЖСТ) қароргоҳи Мадридда жойлашгани ҳам бежиз эмас. Президент Ислоҳ Каримовнинг мазкур ташкилот Бош котиби Франческо Франкиали билан учрашуви чоғида Ўзбекистонда сайёҳликни янада ривожлантириш ва бу борада мамлакатимизнинг ЖСТ билан ҳамкорлигини кенгайтиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари қайси давлатга таширф буюрмасин, албатта, ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашади. Мадрид сафари ҳам бундан мустасно бўлмади. Ислоҳ Каримовнинг Испания Ташкилотлари ва саноатчилар конфедерациясида бўлиб ўтган учрашувида Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари, мамлакатимизда хориж сармоёси учун яратилган имтиёз ва қўлайликлар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Испанияга давлат таширфи давом этмоқда.

(ЎЗА).

## ● СЕНИНГ УҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!



Оддий аскар Санжар Мирзақодиров уч ой олдин мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Андижон вилояти кенгашига қарашли мактабни тугатгач, ҳайдовчилик касбини эгаллаб, хизматга тақрирланган эди. У биринчи кундан бошлаб қисмда ҳарб «сирларини» тиршиқчилик билан ўрганди ва тез орада унинг ҳаракатчанлиги самара бера бошлади. Оддий аскар Мирзақодиров ҳозирда ўз гуруҳида етакчи ҳайдовчи посбонларидан.

Суратда: оддий аскар С. Мирзақодиров (чапда) сержант Талғат Осоновга машғул олтидан ўз билимини намойиш этмоқда.

Александр МРУЧАК олган сурат.

## Аскар оналари учрашуви

Фарғона шаҳридаги Офицерлар уйида Шарқий ҳарбий округ кўмондонлиги бурчида вилоят ҳокимлиги ҳамкорликда мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида хизмат қилаётган, Фарғона вилоятидан ҳарбий хизматга тақрирланган аскарлар оналари учрашувини ўтказди. Илк бор ўтказилаётган ушбу тадбирда икки юздан зиёд она иштирок этди.

— Учрашув ўтказишдан мақсад аскар оналарини мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар билан таништиришдан иборат. — дейди Шарқий ҳарбий округ кўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Р. Нодиров.

Офицерлар уйида бўлиб ўтган йиғилишдан сўнг оналар ҳарбий қисмларда бўлиб, аскарлар ҳаёти, уларнинг кўнгилли дам олишлари учун яратилган шарт-шароитлар, ётоқхона, спорт майдонлари, озиқ-овқат таъминоти ва бошқа қўлайликлар билан

яқиндан таништирилди.

— Уғлим Умиджон Навоий вилоятида йиғитлик бурчинини ўтапти. — дейди бешариқлик О. Тошматова. — Бугун ҳарбий бўлинмаларда фарзандларимиз учун яратилган қўлайликларни кўриб, кўнглимиз таскин топди. Хавотирга ўрин қолмади. Уғилларимиз ҳарбий машғулотлар билан шуғулланишлари, тенқурлари билан дўстлашиш, кўнгилли дам олишлари, яқинлари билан учрашишлари учун яратиб берилган шарт-шароитдан мамнун бўлдик.

Подполковник Р. Нодировнинг айтишича, аскар оналари учрашувлари мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимидаги кўнглимиз ҳаёт тарзи ҳақида ота-оналарга тўлароқ маълумот беради, уларнинг ишончини орттиришга хизмат қилади. Бундай тадбирлар Андижон ва Наманган вилоятида ҳам ўтказилади.

Р. КАМОЛОВ,  
ЎЗА мухбири.

## Ташриф ниҳоясига етди

МАДРИД, 29 январь.  
ЎЗА махсус мухбири Озод  
РАЖАБОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Мадридга давлат таширфининг учинчи кунини Испаниянинг энг йирик банларидан бири «Банко Билбао Весткал Аргентария» («ББВА») раҳбарларини қабул қилди. Учрашувда асосий эътибор молиявий ҳамкорлик масалаларига қаратилди. Президентимиз Ўзбекистон банк-молия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўзлаб, икки мамлакат ишбилармонларининг бевосита

алоқаларини ривожлантириш ва Испания сармоёсининг юртимизга киришининг кўпайишида «ББВА» муҳим ўрин тутуши мумкинлигини таъкидлади. Суҳбат чоғида Ўзбекистон молия муассасаларининг «ББВА» билан ҳамкорлигини кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Испания Европанинг энг қадимий давлатларидан саналади. Нодир тарихий ва маданий ёдгорликларга бой. «Эл Прадо» музейи эса испанларнинг фахри. Бу ерда мамлакат ва Европа ўғмишига оид ноёб тарихий ашё-

лар, тасвирий санъат ва халқ ҳунармандлиги усталарининг нодир асарлари сақланади. Ислоҳ Каримов ушбу музейни бориб кўрди. Фахрий меҳмонлар китобига дастхат битди.

«Эл Пардо» қироллик саройида олий мартабали меҳмонни расмий кузатиш маросими бўлиб ўтди. Президентимизни Испания Қироли Хуан Карлос Биринчи кузатиб қолди.

Шу билан Ўзбекистон Президентининг Испанияга давлат таширфи ниҳоясига етди.

(ЎЗА).

## АМУДАРЕ УЗРА КУПРИК

Амударёнинг қарама-қарши соҳилларида — Қорақалпоғистоннинг Туртқўл тумани ва Хоразм вилоятининг Хазорасп туманида автомобиль-темир йўл куприги қурилиши бошланди.

Асосий қурилиш-монтаж ишлари қорақалпоқ соҳилидан олиб борилмоқда. Дарё туби анча чуқур бўлган Хоразм томонида Туямўйин сув омборидан Оролбўйи суғориш тизимида сув ўтказиш давом этмоқда. Амударё бир неча йиллик қурғоқчиликдан кейин жуда тўлиб оқмоқда. Ҳозир куприксозлар жадал суръатда

ишламоқда. Баҳорги сув тошқинларидан олдин куприкнинг асосий таянчларини ўрнатиб олиш муҳим.

Куприкнинг Ўзбекистон шимоли-ғарби, айниқса Хоразмнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришда аҳамияти беқиёс. Вилоятда ислохотларни чуқурлаштиришнинг комплекс дастури амалга оширилмоқда. У 2005 йилга келиб бу ерда ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг 25 фоизини маҳаллий корхоналарда қайта ишлаш имконини беради. Янги куприкнинг қурилиши ўлка-

нинг жадал ривожланаётган саноатини мамлакатнинг асосий автомобиль ва темир йўл тизимларига боғлаш, хомашё ва бутловчи қисмларни етказиб келишни ҳамда вилоятдан четга тайёр маҳсулотни жўнатишни анча арзонлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К. Тулаганов қурилишнинг бориши билан танишди. Ишчи кенгашда куприк қурилиши жадвалининг бажарилиши бўйича аниқ топшириқлар берилди. Кенгашда Хоразм вилояти ҳокими И. Бобоқонов иштирок этди.

(ЎЗА).

## Ишонч телефони

Ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, уюшқоқлик ва тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ҳарбий қисм ва муассасаларда салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир ҳарбий хизматчи мазкур масалалар бўйича ҳар кун соат 9.00 дан 19.00 гача Мудофаа вазирлигидаги қуйидаги «ишонч телефон»ларига кўнгиноқ қилиши мумкин:

169-82-08 (Тарбиявий ишлар бош бошқармаси);  
169-11-72 (Мудофаа вазирлиги юридик хизмати).

# АЪЛОЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

Яширишининг ҳожати йўқ. Бундан бир йилча олдин, тўғрироғи, баҳорги синов машғулотларида алоқа батареяси шахсий таркибининг умумий натижалари кўнгилдагидек эмас эди. Аммо гуруҳ командири бўлиб хизмат қилаётган катта лейтенант Илс Ҳайитов батарея командирлигига тайинлангач, аҳвол яхши томонга ўзгара бошлади. Касбий тайёргарлиги юксак, талабчан янги командир жамоани олдинга етаклаётгани, айниқса, кузги синов машғулотларида яққол аён бўлди. Жамоа аъзоларининг умумий натижалари

«яхши» дея баҳоланди, аълочилар сони ошди. Шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари — Алишер Жалолов, Акбар Сатторов, Улугбек Жабборов, Иброҳим Рўзиевлар энг юқори натижаларни қўлга киритдилар. Эмүрод Усмонов, Шакаржон Муродов, Умиджон Шарипов, Шерзод Мамадмуродов каби оддий аскарлар ҳам ўзларининг ҳар томонлама яхши тайёргарликлари, жанговар шайликлари билан устоз офицерларни мамнун этишди.

— Катта лейтенант Илс Ҳайитов умидли ёш офицер-

ларимиздан, — дейди жанговар бошқарув дивизиони командири майор Турсунбой Юлдашев. — У ўзининг фидойилиги, ҳаққўйлиги, тартиб-интизоми билан сафдошлари ҳурматини қозонган. Мен унинг йил сайин тажрибаси ошаётганига, руҳий-маънавий фазилатлари кўпайётганига ўзим гувоҳман. У бошчилик қилаётган батарея шахсий таркиби кичики ўқув мавсуми машғулотларида ҳам фаол қатнашмоқдалар. Демак, баҳорги синов-интихонларда улар янада юқори натижаларга эришишларига ишонса бўлади.

— Болалиқда ҳарбий либос кийишни орзу қилганимда, Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетида ўқиб юрганымда, тўғриси, офицерлик нақадар масъулиятли, машаққатли, қолаверса, энг фахрли бир касб эканлигини яхши ҳис қилмаган эканман. Аммо хизмат давомида йил сайин буни чуқурроқ англаб бормоқдаман. Мен ўз касбимдан, сафдошларимдан, Ватан ҳимоячиси, ҳарбий алоқачи деган номни кўтариб юрганымдан фахрланаман, — дейди катта лейтенант Илс Ҳайитов.

Майор Азимбек УСМОНОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

# КОГДА РЯДОМ ОПЫТНЫЙ ТОВАРИЩ

В подразделении, где командиром секции служит сержант по контракту Миртемир Гафуров, еженедельно подводятся итоги боевой учебы. При этом здесь не ограничиваются просто вывлением передовиков. Особое внимание уделяется тому, как тот или иной отличник добивается успехов, за счет чего повышает боевое мастерство.

Так, результаты рядового Рустама Киргизбоева на стрельбище длительное время не поднимались выше тройки, слабые знания он показывал и по тактико-специальной подготовке. За ним был закреплен отличник боевой учебы, лучший снайпер подразделения и, что немаловажно, его товарищ рядовой Жахонгир Мелибоев. И положительные результаты не заставили себя долго ждать.

На последних занятиях по огневой, тактической подготовке одним из лучших был признан рядовой Рустам Киргизбоев.

Майор З. ХАЙРИТДИНОВ.

# Десантчи бўлиб шаклланимоқда

Ҳарбийликнинг бошқа соҳаларини камситмоқчи эмасман. Аммо йигитларнинг кўпчилигида болалиқдан десантчи бўлишга қизиқиш бор гап. Сурхон фарзанди Камолитдин ҳам ана шу орзу, ҳавас билан улғайди. Айримларда болалик орзулари ўткинчи бир ҳавасдек бўлса, бу йигитда барқарор экан. Уни бежизга «тутган жойини кесадиғанлардан», дейишмайди, ахир.

Хуллас, ўғлон ўқиди, изланди. Ниҳоят орзуи сари элик қадамни ташлади. Ҳозирда у курсант, аниқроғи сержант Камолитдин Мелиқулов — Чирчиқ олий танк ҳумондлик - муҳандислик (билим юртининг ҳаво-десант қўшинлари командирлари тайёрлаш факультетида таҳсил олмақда.

Сержант Мелиқулов билан бўлган суҳбатда унинг жўпроқ кўл жанги, парашют билан сакраш тайёргарликлари қизиқиши баландлигини сездим. У парашют билан сакраш машғулотлари хусусида тўлиб-тошиб гапириб берди.

Тез-тез бу борада машқлар ўтказамиз. Айниқса, сакрашолди тайёргарлик машғулотлари бизда кўникмалар ҳосил қилади, жисмоний шаклланишимизни таъмин этади. Сакрашолди машқлар учун ҳар томонлама шикозланган, қулай майдонча бор. Дастлаб трамплиндан сакраш қондаларини пухта ўрганамиз. Буни маромита етказганимиздан сўнг командиримиз ўқув жойини алмаштиришимиз хусусида буйруқ беради. Сўнгра десантчининг ҳавода қандай ҳаракатланиши хусусида атрофлича тушунтирилади, самолётлар макетлари асосида машғулотлар давом эттирилади. Яъни, самолётга чиқиш, унда жойлашиб ўтириш, ундан сакраш талаблари пухта ўргатилади. Парашютни йиғиштириб олишнинг ўзи ҳам бир неча бос-

қичда амалга ошириладиган машқ. Ана шу майда-чўйда бўлиб кўринган ҳар бир машғулот пухта ўзлаштириб олганидангина ҳаво-десант тайёргарлигидан ютуқларга эришиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мазкур тайёргарликларнинг юқори савияда ўтишида гуруҳимиз командири катта лейтенант Б. Муҳиддиновнинг хизматлари беқиёс. Вэводимиз командири капитан А. Шаропов эса десантчи бўлиб шаклланишимизда ҳар томонлама устозлик қилиб келмоқда. Шу ўринда бўлгуси десантчи офицерлар — А. Ашуров, М. Султонов, К. Бойимбетов, Х. Алимовларнинг тайёргарликларини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу аълочи курсантларнинг сая-ҳаракатлари туфайли гуруҳимизнинг кўрсаткичлари юқори.

Мени бугуннинг офицери қандай бўлиши керак, деган савол жуда кўп ўйлантиради. Қуролли Кучларимизнинг 11 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригини ўқиб, бунга муфассал жавоб топдим. Бугуннинг офицери юксак ақл-идрок, интеллектуал салоҳият, юксак маънавий-руҳий фазилатлар соҳиби бўлиб, замонавий қурол-аслаҳа, техникани пухта эгаллай олиши лозим. Шундагина профессионал армияга муносиб бўлаемиз. Қуролли Кучларимиз нуфузини янада кўтара оламиз, — дейди сержант Камолитдин Мелиқулов.

Ҳа, армиямизнинг эртанги давомчилари қалби миллий истиқлол ғоялари билан суворилган ана шундай ўғлонлар. Улар офицерлик тимсолида юртнинг, халқнинг, истиқлолнинг муносиб ҳимоячиларини тушунишади. Шу боис ҳам танлаган соҳаларига ғурур билан, фахр билан қарашади. Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.

# Парвозлар хавфсизлиги йўлида

Учувчилар самолёт ва вертолётларда, кундузи ҳам, кечаси ҳам ҳаммиса жанговар топириқни бажаришга шай туришади. Айниқса, учувчилар учун тунги учишлар бир оз қийинчилик туғдириши мумкин. Бундай чоғ учувчиларга тунда аэродромни ёритиб берувчи посбонлар ёрдамга келишади. Оддий аскарлар Улугбек Рус-

тамов ва Акбар Хосиятовлар ана шундай вазифа билан хизматини бошлашганларидан буён шугулланиб келишмоқда. Уларнинг касби — ҳайдовчи-ёритувчи. Бу икки аскар ўз касбларини аъло даражада бажариб келишмоқда.

Оддий аскар Б. СУЛАЙМОНОВ.



Хизмат бурчини шартнома асосида давом эттираётган барча посбонлар касбига муносиб, илгорлар сафига бўлишга ҳаракат қилишади. Қуролли Кучларимизда профессионал армияга асос солинган бир пайтда ўғлонларимизга ўзига хос тажриба ва интилувчанликнинг барқарор бўлиши табиий ҳол, албатта. Шартнома бўйича

хизмат қилаётган кичик сержантлар — Ҳамидулло Иминов ва Дилшод Жонтураевлар ҳам ана шундай ўнорак хизматчилар сафидан жой олишга ҳаракат қилишяпти. Улар яқинда капитан Шокир Ғаниев суҳбатига бўлиб, шартнома асосидаги хизматларини узайтиришди. Александр МРУЧАК олган сурат.

# ПОВЫШАЯ ЗНАНИЯ И ОПЫТ

— В начале зимнего периода обучения личный состав на своем собрании, — говорит командир взвода старший лейтенант Ш. Кадыров, — принял на себя повышенные обязательства. Было решено шире развернуть соревнования за отличный итог каждого дня, совершенствовать, улучшать боевую и общественно-политическую подготовку, помогать молодым воинам в овладении боевой техникой и оружием. И надо сказать, что намеченное успешно претворяется в жизнь.

С первых дней учебы командиры групп и секций, инициативные воины из числа лучших специалистов добиваются, чтобы во взводе не было неуспевающих, чтобы каждый солдат служил образцом дисциплинированности. Борьба за это ведется непрерывно.

— Если на очередных занятиях, — рассказывает командир группы лейтенант В. Давлатов, — кто-либо недостаточно усвоил материал, на помощь ему приходит мастер военного дела. В

классе, во время регламентных работ в парке и на полевых занятиях они помогают начинающим воинам изучать уставы и наставления, приобретать навыки вождения и обслуживания боевых машин. Хорошими наставниками зарекомендовали себя рядовые Х. Умаров, А. Насимов, Д. Азимов и другие воины.

Известно, что нелегко добиться успехов в боевой подготовке без активной пропаганды опыта передовиков учебы. Ведь это слав

знаний, умения и сноровки большого числа солдат и сержантов. Во взводе убедились, что опыт приносит больше пользы тогда, когда лучшие специалисты не только рассказывают о своих достижениях, но и демонстрируют их.

Перед выполнением очередного упражнения командир взвода напомнил подчиненным о мерах безопасности, цели занятия и условиях выполнения упражнения и поставил в пример секцию, возглавляемую младшим сержантом по контракту У. Ахилевым. Его подчиненные на протяжении всего первого месяца зимней учебы показывали самые высокие результаты по огневой подготовке. Затем воины продемонстрировали свою работу, пояснив, почему они действовали так, а не иначе.

Такая конкретная, наглядная передача опыта оказалась полезнее общих рассуждений и назиданий. Выйдя на огневой рубеж, новички действовали четко, слаженно, многие из них получили высокие оценки за стрельбу.

Младшие командиры, активисты взвода прилагают немало усилий и в развертывании соревнования среди личного состава. Они часто выступают зачинателями патриотических дел, способствующих повышению боеготовности родного подразделения. Поражение целей первым выстрелом, выполнение дневных нормативов ночью, рациональное использование каждой минуты учебного времени, борьба за повышение классности — таков краткий перечень их славных дел. А свойственные молодым энергия, задор, инициатива проявляются с еще большим размахом и результативно-

стью, так как постоянно находят поддержку у командира и его заместителя по воспитательной работе.

Большую помощь оказывают активисты командования и в подготовке физически сильных и выносливых воинов. Новички, например, с первых дней службы охотно занимаются спортом, участвуют в спортивных соревнованиях, стремятся к тому, чтобы стать сильными и ловкими. И на занятиях по физподготовке уже добиваются хороших результатов.

Личный состав подразделения на верном пути. Здесь успешно решаются все стоящие задачи. Единство взглядов, убеждений и действий сплачивает коллектив, побуждает воинов к достижению новых рубежей в соревновании, к безупречному выполнению воинского долга.

Сергей БУДАЕВ, корр. «Ватанпарвара».

# ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛА ВСЕХ И КАЖДОГО

● ДИЛ ИЗҲОРИ

## АСКАР ЙИГИТГА

Хурматли «Ватанпарвар» газетаси жонкуярлари, Ҳарбий хизматчилар ҳаётини акс эттирувчи ушбу газета ҳақида эшитиб, уни икки ой қидирдим ва топдим. Газетага бу қадар меҳр қўйишимга сабаб, мен учун қадрли бўлган бир инсон ҳам ушбу газетани ўқийди. Менинг кўз пурларим тушган саҳифаларга у инсоннинг ҳам назари тушади. Шунинг учун сизлардан илтимос, йўллаётган мактубимни газета саҳифаларида эълон қилсангиз. Чунки у давлатимиз чегараларида ўз йигитлик бурчини тўққиз ойдан буён астойдил ўтаб келётган мард йигитга аталган.

«Қудрат ака, ушбу газетани сиз ҳам ўқишингизни билламан. Мен сизни соғиндим, доимо қалбим тўрида сиз. Сизни соғомон бўли-



шингизни истайман. Ҳазил тариқасида айтаётган бўлсам ҳам, қирғиз қизлар билан камроқ суҳбатлашиб туринг...

Ҳар куни эрта саҳар соат 5.30—6.00 ларда осмонга қаранг. Осмон тўла сиз ва мен билган, биз кузатган юлдузлар. Эътибор беринг-а...

улар бизни бахтли кунлар кутаётганлиги ҳақида, қалбимиздаги илоҳий туйғу — муҳаббат ҳақида сузлайдилар. Тоғлардай азим, тўфонлардан кучли муҳаббат албатта ғолиб бўлишини башорат қиладилар. Сиз ҳар тонг чоғи бир эътибор беринг-а...

Қудрат ака, мен сизни, ўтиб кетган бўлса-да, 14 январь — Ватан ҳимоятчилари куни байрами билан чин қалбимдан табриқлайман. Шарафли хизматингизда омад тилайман. Бурчингизни нақадар масъулиятли ва фахрли эканлигини ҳис этган ҳолда адо этишингизни истайман.

Қутлуг бўлсин улуғ кунингиз, Нур, эътига тўлсин дилингни, Ниятингиз амалга ошсин, Муҳаббатга содиқ бўлингиз. Сиз. Сизни садоқат билан кутувчи.


**ДИЛНОЗА,**  
Янгийул шаҳри.

● ТЕСТ

## СВЕТИТ ЛИ ВАМ КРЕСЛО РУКОВОДИТЕЛЯ?

Вы до сих пор прозябаете, не сделав свою фамилию узнаваемой миллионом? Наш тест поможет узнать, есть ли у вас шанс повторить успех мировых знаменитостей.

1. Вы готовы работать вечерами и в выходные — только бы добиться успеха.
  - а) Конечно! — 3.
  - б) А как же мое здоровье, отдых, семья? — 1.
  - в) Все имеет разумные пределы — 2.
2. Вы смените работу на более интересную, даже если первоначально это сулит финансовые проблемы.
  - а) Вот если меня выгонят с нынешнего места, тогда... — 1.
  - б) Нет, мне надо думать о том, на что содержать семью — 2.
  - в) Я всегда смогу заработать «на прокорм», так что конечно — 3.
3. Цель оправдывает средства, поэтому для ее достижения нужно «идти любым путем».
  - а) Нет, порядочность прежде всего — 2.
  - б) Да у меня и цели-то такой высокой в жизни нет — 1.
  - в) Бесспорно — 3.
4. Чтобы показать себя с самой выгодной стороны, вы покупаете костюмы, которые вам не по карману и появляются в дорогих местах — а вдруг завяжется «нужное знакомство».
  - а) А то как же, «не доедал, недопивал», но марку держу — 3.
  - б) Разве это путь к победе? — 2.
  - в) Лучше уж отложу за-



рабоченные крохи на черный день — 1.

5. Как стать богатым и знаменитым?
 

- а) Приложив усилия, может быть, порой чрезмерные — 2.
- б) Тут все зависит от везения и родителей, старайся — не старайся... — 1.
- в) Секрет успеха есть, и я-то его точно знаю — 3.

5—8 баллов. Вы погрязли в рутине дел, довольствуетесь малым, так что вряд ли ваше имя останется в памяти потомков.

9—12 баллов. В вас много необходимых для достижения славы качеств — так что дерзайте!

13—15 баллов. Кажется, у вас мания величия. Но подкреплено ли ваше чрезмерное самомнение хотя бы крупицей таланта — вот в чем вопрос!

## АЁЛЛАР ҲАҚИДА

Агар аёллар бўлмаса, биз ҳаётимизнинг дастлабки соатлари ёрдамдан, кейинчалик лаззатдан, энг сўнггида эса овуноқдан маҳрум бўлардик, деган эди бир фаранг олими. Менимча, аёлларни ҳақиқатан ҳам бундан ошириб мақташ мушкул.



Аёлнинг қадди-қоматиёқ унинг на рухий ва на кетмон чопишдек оғир меҳнат учун яратилмаганини кўрсатиб туради. Аёл яшаш мажбуриятини борлигича эмас, балки азоб-уқубатлар тарзида ўтайди: тугиш машаққатлари, бола боқиб, эрга қарамлик... Яна денг, у эрга чидамли ва унга қувват бағишловчи ҳам бўлиши керак. Аёл катта дардлар, катта қувончлар, бақодирлик талаб қиладиган ишлар учун яратилмаган. Унинг турмуши эркакнигина нисбатан тинчроқ, майинроқ кечини зарур ва бундан у бахтлироқ ҳам, бахтсизроқ ҳам бўлиб қолмасин.

қаранг, кун бўйи ёш бола билан ачочлашиб, ўйнаб-кулишиб юришдан эринмайдилар. Энди шу қизнинг ўрнига эркакни қўйиб кўринг, қанча ҳаракат қилмасин, у ниммага қодир?..

Томошага чиққанингизда бир нарса «қарс» этса, бирдан ҳамма чалғиб, бир неча муддат ўшанга қарайди. Табиат қиз болани ҳам шу таҳлит яратган. Табиат қизларга — кейинги бутун ҳаётлари ҳисобига — бир неча йиллик гўзаллик, қараганини маҳлиё қилиш ва бошқа шу таҳлит оҳанраболарни бахшида этган. Айнан шу даврда у эркакнинг ҳаёлини ўғирлаши, кейин эркак шу гўзалликка банди бўлиб, чин юракдан аёлнинг кейинги ҳаётига жавобгарлиқни ўз зиммасига олиши керак.

Аёллар табиатан бола табиат, инжиқ, узоқни кўра билмайдиган бўлганликлари туфайли бола тарбиялашга мойилдирлар (ва шунга мослаштишган). Бир сўз билан айтганда, улар бутун ҳаётлари давомида катта боланинг иштини қилиб юрадилар: болалик давридан ўтаётган, лекин ҳали вояга етган эркак сифатида шаклланмаган бир одамчалик. Қизларга

## ТУРФА ОЛАМ МАНА БУ РЕКОРД...

Голландиянинг Маастрихт шаҳрида ўтказилган Домино кўни Гиннеснинг рекордлар китобига киритилишга лойиқ бўлган жаҳон рекорди билан нишонланди. Томошабинларни ҳайратга солиб иштирокчи жамоалардан бири 3 миллион 540 минг 562 та домино донларини аввал қаторларга териб, сўнгра занжир реакциясига схемаси орқали чиройли «ётқизиш»га муваффақ бўлди.

## ПРИНЦЕССА ПРИЗВАНА В АРМИЮ

Наследница шведского престола 25-летняя принцесса Виктория призвана на трехнедельные военные сборы. Армейская служба принцессы начнется 3 марта. Как сообщил бригадный генерал Клайс-Горан Хеден, принцесса будет проходить службу на общих основаниях, будет жить в общей казарме с другими новобранцами, учиться применению оружия и получать навыки выживания в экстремальных условиях.

## БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

Ўқитувчи: Сен «Оиламиз ҳаётидан бир кун» деган мавзуда нишо ёздингми?  
Ўқувчи: Йўқ, Уйдаги сирни кўчага олиб чиқма, деб ўргатишган.

— Инга, нима қилаяпсан? — деб сўради ойиси.  
— Урсулага хат ёзаёпман.  
— Сен ёзишни билмайсанку!  
— Урсула ҳам ўқишни билмайди.

— Сени нима учун «хўтиссан» деганимни энди тушунгандирсан-а? — деб сўради тоғаси Дониёрдан.  
— Ҳа, албатта! Чунки мен сиздан кичкинамадан-да!

— Питер, нега неча мактабга келмадинг?

— Оиламизга янги меҳмон келди.  
— Шунақами, ўғилми-қизми?  
— Йўқ, тушунмадингиз. Ойим эрга тегдилар.

— Нега бугун мактабдан эрта қайтдинг?  
— Уғил.  
— Ўқишни ҳали билмайман. Ёзишни ҳам ўрганганим йўқ. Гаплашиб ўтиришга руҳсат беришмайди. Нима қиламан мактабда?

— Қўйдав қандай маҳсулотлар олинади?  
— Жун.  
— Хўш, жундан нима қилинади?  
— Билмайман.  
— Устингдаги пальто нимадан тикилган?  
— Дадамнинг ёски пальтосидан.

## ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ 56-54-76 ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ

**ТАБРИКНОМА**  
Ҳаёт гулшанида унган чечак бўл, Юртинга, халқинга доим керак бўл. Камол топ Шаҳзоджон, Ўзбекистонга Эгу ишинг бирла мисли безак бўл. **ШАҲЗОДЖОН**, таваллуд айёминг муборак! Қалбингдаги бегубор, оппоң орузлар ҳаётингни нурафшон айласин. Бахтимизга доимо соғ-омон бўлиб юринг. Даданг—Равшан, оланг—Хуснияхон, аканг—Бехзоджон ва опанг—Нилуфархон.

**КУПЛЮ:**  
◆ Старые нагрудные знаки: авиационные, железнодорожные, правоохранительные (ВЧК, НКВД, МООН, МВД, КГБ), депутатские и др., жетоны, монеты, кортик. Т.: 68-49-19.  
◆ Дорого! Нагрудные знаки, старинные изделия из серебра, бронзы, фарфора, саблю, кортик. Т.: 67-48-18.  
◆ Холод., шв. маш., ТВ, в/маг., газ, пл., велосипед, ст. маш. «Киргизия», раб. и нераб. Т.: 74-95-15, 75-59-73.  
◆ Холод., мороз., шв. маш., оверлок, газ, пл., видео-телеаппарат., БК. Т.: 90-73-29.  
**ПРОДАЮ:**  
◆ Холод., мороз., шв. маш. Т.: 90-99-29.  
**НЕДВИЖИМОСТЬ:**  
◆ Продаю 3-х ком. кв-ру на Чиланзаре, Т.: 72-54-29.

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ**

Узбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 28 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қиймати белгилади:\*/

1 АҚШ доллари	960,38
1 евро	1041,05

\*/ Валюта қиймати белгилаш чоғида Узбекистон Республикаси Марказий банки мажмур валюталарни ушбу қийматга сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмага.

3-9 ФЕВРАЛЯ

ПОНЕДЕЛЬНИК, 3.02

7.45 «Маленькие Эйштейны». 8.00 «Новые приключения Лессы». 8.30 «Ореховый прутик».

ВТОРНИК, 4.02

Профилактика до 19.00. 19.00 Комедия «Друзья». 19.30 Комедийный клуб «Полшестого».

СРЕДА, 5.02

7.45 «Маленькие Эйштейны». 8.00 «Новые приключения Лессы».

9.30 Комедия «Друзья». 10.00 «Зачарованные». 11.00 Комедия «Альф».

ЧЕТВЕРГ, 6.02

7.45 «Маленькие Эйштейны». 8.00 «Новые приключения Лессы».

21.30 Комедия «Альф». 22.00 «Зачарованные». 23.00 Фильм «Братья близнецы».

ПЯТНИЦА, 7.02

7.45 «Маленькие Эйштейны». 8.00 «Новые приключения Лессы».

8.40 «Василиса Прекрасная». 11.30 «Флиппер и Лопак».

ВОСКРЕСЕНЬЕ, 9.02

7.45 «Маленькие Эйштейны». 8.00 «Смелые люди».

21.00 «Пародия и Вронск». 23.00 «От судьбы не уйдешь».

15.55 «Смелые люди». 16.00 «Ассалом, Узбекистон!».

18.55 «Зачарованные». 19.00 «Друзья».

18.50 «Братия близнецы». 19.00 «Друзья».

3 ФЕВРАЛЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!». 8.00 «Тахлил-пома».

ВОСКРЕСЕНЬЕ, 9.02

7.45 «Маленькие Эйштейны». 8.00 «Смелые люди».

17.05 «Узбекистон дурдоналари». 17.20 «Янги авлод».

ВОСКРЕСЕНЬЕ, 9.02

7.45 «Маленькие Эйштейны». 8.00 «Смелые люди».

11.05 Спасатели. Экстренный вызов. 11.40 Следствие ведет Колбков».

ВОСКРЕСЕНЬЕ, 9.02

7.45 «Маленькие Эйштейны». 8.00 «Смелые люди».

10.00 «Мадмуазель». 11.30 «Шарлотта Грей».

ВОСКРЕСЕНЬЕ, 9.02

7.45 «Маленькие Эйштейны». 8.00 «Смелые люди».

4 ФЕВРАЛЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00, 20.30 «Ахборот»
8.40 Обзор газет.
9.00 «Узбекте» представляет...

18.10 Автопатруль.
18.30 Эшлар овози.
18.50 Хозирги замон узбек шеърятдаги.
18.55, 21.55 Икким.

15.45 Фильм «Перед экзаменом».
17.00 «Большая стирка».
18.25 «Кумир».

23.00 «Странные души».
1.00 «Мэдисон».
1.30 «Хитрый вор».
6.00 Утро на НТВ.

9 ФЕВРАЛЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 «Камилла».
9.10 «Гароибот».

19.40 Сифдош.
20.15 Газал согичи.
20.40 «Мистер Бин».
21.15 Лабиринт.

17.15 «Формула здоровья».
17.30 «Караочи».
17.30 «История о привидениях».

17.15 «Формула здоровья».
17.30 «Караочи».
17.30 «История о привидениях».

9.00, 19.00, 22.00, 23.35 «Давр».
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Кироллидаги саргузаштлар».

17.20 «Пох улом 23.5».
17.45, 19.10, 22.15 «Экспресс».
18.05 Эшлар — детям.

4.45 «Доброе утро, Россия!».
7.45 «Леди Босс».
8.35 «Семнадцать мгновений весны».

8.00 «Настраенные».
(В 9.00 и 10.00 — События. Время московское).
10.50 Газетный дождь.

8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод» студияси.
9.30 Футбол плюс.
9.50 Охатлабо.

7.00, 10.00 Новости.
7.10 «Флиппер».
7.55 «Танкисы».
8.15 Армейский магазини.

8.30 «Жизнь в слове».
9.00 «Рекс».
9.30 «Мистер Бин».
10.00 «Ураганчики».

9.25 «Отчего, почему?».
10.30 АБВГДейка.
11.00 Мультфильм.

## Япония спортчиларни кутмоқда!

Жорий йилнинг 1—8 февраль кунлари Япониянинг Амори шаҳрида V қишки Осиё ўйинлари бўлиб ўтди. Ушбу мусобақада қитъамизнинг ўттизга яқин давлатидан келган 1200 нафар спортчи сафида юрдошларимиз ҳам иштирок этади.

Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитасида қишки қитъа ўйинларида юртимиз спорт шарафини ҳимоя қиладиган спортчилар билан учрашув бўлди.

— Спортчиларимиз Аморида бўладиган ўйинларга пухта тайёргарлик кўрди. — деди МОҚ президенти С. Рўзиев. — Улар бу йилги ўйинларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз байроғини баланд кўтаришидан умидворимиз.

Бешинчи марта ташкил этилаётган қишки Осиё ўйинларида вакилларимиз учинчи марта қатнашади. 1996 йилда Хитойнинг Харбин шаҳрида бўлиб ўтган ўйинларда илк бор иштирок этган спортчиларимиздан фигурали учин бўйича Татьяна Малинина кумуш, фристайлчи Сергей Бренер эса бронза медалга сазовор бўлган эди.

1999 йили Жанубий Кореянинг Ханг-Вон шаҳрида

ўтказилган IV қишки Осиё ўйинларида Татьяна Малинина олтин, Роман Скорняков кумуш ҳамда Наталья Пономарёва ва Евгений Свиридов жувфтлиги фигурали учин бўйича бронза медалларни қўлга киритган.

Бу гал Осиё ўйинларига тўрт нафар иқтидорли спортчи — фигурали учин бўйича Артём Князев, Марина Аганина, Анастасия Гимазеддинова ҳамда тоғ чангичиси Қайрат Эрметов боради.

— Биз Марина Аганина билан жувфликда Загребда ўтказилган халқаро мусобақада учинчи ўринни олган эдик. — деди Артём Князев ЎЗА мухбирига. — Осиё ўйинларига ҳам талоргимиз яхши. Аморида, асосан, хитойлик спортчилар билан рақобатлашамиз. Насиб этса, Япониядан буюр юз билан қайтамыз. Осиё ўйинлари якунлангач, Пекинда бўладиган нуфузли турнирга бориш режалаштирилган. Албатта, бундай мусобалар Олимпиада ўйинларида муваффақиятли қатнашиш учун тажриба тўплаб, маҳоратимизни оширишда муҳим омил бўлади.

Зоҳир ТОШХУЖАЕВ,  
ЎЗА мухбири.

## ШАХМАТ

### МУСОБАҚА ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРДИ

Республика шахмат клубида ўтказилаётган Тошкент шаҳри биринчилигида иштирок этаётган олтинчи орти шахматдан аксарияти иқтидорли ёшлардир.

Тўққиз турдан иборат мусобақада беш имкониятдан тўрт овоз жамгарган Алексей Яшин пешқадамлик қилмоқда. Шунингдек, Александр Кан, Игорь Яравой ҳамда Аҳмад Бобоев 3,5-тадан овоз жамгариб, совринли ўринлар учун курашмоқда.

Ўзбекистон шахмат фе-

дерациясидан ЎЗА мухбирига маълум қилишларича, Тошкент шаҳар биринчилигининг уч нафар совринчиси Ўзбекистон чемпионатининг I-лигаси мусобақаларига йўлланма олади. Ун бешинчи февралда бошланадиган биринчи лига баҳсларида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган юздан зиёд шахматчи дона сурати.

Зоҳир ТОШХУЖАЕВ,  
ЎЗА мухбири.

## ТЕЛЕАНОНС

### «ВАТАНИМГА ХИЗМАТ КИЛАМАН»

9 февралда в 10 часов по первому каналу Узбекского телевидения смотрите очередной выпуск военно-патриотической передачи «Ватанимга хизмат киламан», подготовленный Военной студией Министерства обороны Республики Узбекистан.

Воины-узбекистанцы в военных округах и гарнизонах осваивают свое ратное мастерство в ходе зимней боевой учебы, несмотря на капризы погоды. Тележурналисты Военной студии готовят об этих учебных днях самые оперативные телерепортажи. Также в выпуске вы увидите сюжеты в постоянных рубриках передачи.

Повтор этого выпуска смотрите во вторник, 11 февраля, в 16.55.


Наш корр.

### ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 11

ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 1. Простак. 4. Марафон. 7. Огара. 9. Серсо. 11. Конек. 12. Уксус. 13. Чибис. 14. Игрок. 15. Атлет. 18. Старт. 20. Атака. 23. Брезент. 24. Янтарка. 26. Гольф. 28. Драма. 29. Аспид. 31. Бани. 33. Олово. 35. Аччар. 36. Вокал. 37. Акела. 38. Краса. 39. Колбаса. 40. Награда.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Пастила. 2. Обруч. 3. Кокус. 4. Макси. 5. Финик. 6. Наколка. 8. Арсанат. 10. «Орбит». 11. Кирка. 16. Табло. 17. Егерь. 18. Синод. 19. Тонна. 21. Тарас. 22. Краги. 25. Бабочка. 26. Гиревик. 27. Финал. 29. Агара. 30. Держава. 31. Бокал. 32. Наука. 33. Орган. 34. Опека.

## КРОССВОРД



ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 2. Древнегреческий математик. 6. Болотная трава. 7. Сплетенные в кольцо цветы. 8. Лабораторный сосуд. 9. Супруга павлина. 13. Сын Дедала (миф.). 16. Воздушный флот. 17. Высшее состояние в буддизме. 18. Степная птица из отряда дроф. 20. Сетчатая сумка (прост.). 21. Лестница на судах. 23. Древнерусский певец-поэт. 27. Врач офтальмолог. 28. Музыкальный лад. 29. Ископаемое твердое горючее. 30. Столица Алтайского края.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Окружение войск неприятеля с целью захвата. 2. Передвижной склад для снабжения армии. 3. Атака команды и корабля противника в рукопашную. 4. Хапуга. 5. Кожура. 9. Командирская плоская сумка для ношения карт. 10. Шкаф или ящик под стеклом в магазине для показа товаров. 11. Город ткачей и невест в России. 12. Все сверхестественное, потустороннее. 14. Жгучая трава. 15. Единица измерения излучения. 19. Великан, богатырь. 22. Изобретение Попова. 24. Славянское божество. 25. Выпуклость на спине или груди человека вследствие повреждения позвоночника. 26. Предмет мебели.

Составила ИСАКОВА З.

## АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

**ОВЕН.** Есть заработок. Успешны поездки, и оформление документов. Друг поможет в решении юридических вопросов. Все хорошо в отношениях с детьми. Прекрасное здоровье, хорошие отношения с сотрудниками. Высокая энергетика, склонность к вещим снам. Успехи в бизнесе. Хорошие дни: понедельник, вторник, пятница, суббота.

**ТЕЛЕЦ.** Настроение неважное. Прохладные отношения с начальством и властями. Категорически не рекомендуется конфликтовать с законом. Отложите судебные дела. Возможны кредиты или вернут долг. Возможен конфликт. Успехи в пятницу и воскресенье.

**БЛИЗНЕЦЫ.** Есть хороший заработок, основной и дополнительный. Успешны поездки, оформление документов, все в порядке с транспортом и связью. Хорошие перемены касаются дома и недвижимости. Прекрасные отношения с детьми и друзьями. Успехи в бизнесе. Возможен конфликт с деловым партнером. Хорошие отношения с банком и налоговой инспекцией. Низкая энергетика. Опасайтесь обманов. Успехи во вторник и пятницу.

**РАК.** Ваша деятельность при-

носит вполне достойные материальные результаты. Однако от начальства лучше держаться подальше и важных решений не принимать, вообще инициативу лучше отдать деловому партнеру. Успешно складываются судебные дела. Хорошие отношения с коллегами и подчиненными. Успехи в понедельник и субботу.

**ЛЕВ.** Рост авторитета, важные решения, интересные идеи. С заработком все нормально. Друг поможет материально. Хорошие отношения с банком и налоговыми организациями. Бизнес имеет отношение к заграничье. Опасайтесь за свое здоровье. Возможны плохие отношения в коллективе (сотрудники вас обманывают). Успехи во вторник, субботу и воскресенье.

**ДЕВА.** Все хорошо дома, успехи детей. Удача в бизнесе. Надо держаться подальше от начальства, из вас могут сделать «стрелочника», придется отвечать за чужие ошибки. Возможен неосновной заработок, или друг даст денег взаймы. Вообще, не рекомендуется врать и не надо доверять малознакомым людям. Успехи в понедельник, вторник, среду.

**ВЕСЫ.** Все нормально с заработком. Хорошие отношения с на-

чальством и властями, интересные перспективы в карьере. Успешно решаются юридические вопросы. Возможны далекие поездки. Не надо принимать серьезные решения. Конфликт с другом. Успехи во вторник и воскресенье.

**СКОРПИОН.** С начальством и властями отношения хорошие, но много на себя брать не надо — будьте скромнее. Все в порядке с поездками, переговорами и оформлением документов. Опасайтесь заболеваний. Возможен обмен со стороны сотрудников. Не надо обращаться в суд. Успехи во вторник, среду (особенно) и пятницу.

**СТРЕЛЕЦ.** Трудности с домом и недвижимостью, могут быть поломки бытовой техники, проблемы с электричеством и отоплением. Возможно простудное заболевание ребенка. Прекрасные отношения в семье. Есть дополнительный заработок или кредит. У вас высокая энергетика, можно не опасаться, что кто-то обманет. Успехи во вторник и воскресенье.

**КОЗЕРОГ.** Прекрасные отношения с начальством. Вас похвалят и, возможно, наградят. Удача в связи с домом и недвижимостью. Подходящий период для купли-продажи квартир и земельных

участков. Хорошие отношения с коллегами и подчиненными. Успешны далекие поездки и контакты с юристами. Успехи в четверг.

**ВОДОЛЕЙ.** Не рекомендуются поездки и подписание важных документов. Следует ожидать неприятностей от сотрудников. Хорошие отношения в семье. Кредиторы «грузят», требуют денег. На друзей особой надежды нет. Лучше не садиться за руль. Успехи во вторник и пятницу.

**РЫБЫ.** Склонность к конфликтам. Низкая энергетика. Вас будут обманывать. Но все хорошо в отношениях с начальством и властями. Прекрасное здоровье и отношения в коллективе. Совет да любовь в семье. Ничего не понятно с решением юридических вопросов. Успехи в понедельник, вторник и пятницу (особенно).

Коллектив Ташкентского ВОКУ выражает глубокое соболезнование заведующему кафедрой математики и физики Ташпулатову Б. Т. по поводу кончины его матери

БОЗОРОВОЙ  
Богзоды.

Бош муҳаррир

полковник

И. Қ. АБДУКАРИМОВ

Газета выходит по вторникам, четвергам, субботам.

КОНТАКТНЫЕ ТЕЛЕФОНЫ:

Отдел подписки — 56-03-46.  
Информация, реклама — 56-54-76.  
Факс (3712) — 56-07-80.

Наш адрес: 700031, г. ТАШКЕНТ,  
УЛ. Д. КУНАЕВА, 21.

Ответственность за достоверность сведений в рекламе и объявлениях несет рекламодатель.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати.

Рег. № 00050.

Отпечатано в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 034.